

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.**
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI
TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....362
- 46. Муминов А., Норов Ш.**
ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....367
- 47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.**
АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....373
- 48. Мўминова Г.Э.**
ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....379
- 49. Муталлибжонов М.М.**
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ
ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....387
- 50. Нафиддинова Х.Р.**
БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....392
- 51. Норматов О.**
ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР...398
- 52. Нурматова М.М.**
ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА
ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....405
- 53. Пардаев А.А.**
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР
(1989-2019 ЙИЛЛАР).....410
- 54. Примова Ф.А.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ
ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....416
- 55. Расулов А.М.**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....424
- 56. Расулов Ҳ.М.**
ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ
КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТУРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Примова Фотима Абдурахимовна,
Тошкент давлат техника университети
Фалсафа ва миллий ғоя
кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

For citation: Primova Fatima Abdurakhimovna. HUMANITY OF EDUCATION AND ITS ORIGINALITY IN THE HISTORY OF UZBEKISTANS INDEPENDENCE. Look to the past. 2020, SI, pp.416-423

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-54>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда таълимнинг инсонпарварлиги, миллий таълим-тарбия тизимининг этник ўзига хослиги, кўпмиллатли мамлакатда таълимнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар билан муштараклиги хусусида сўз юритилади. Унда ҳозирги глобаллашув даврида ёшларга таълим бериш ва улар тарбиясидаги муаммоларни ҳал қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: таълим, инсонпарварлик, ислоҳотлар, демографик вазият, тарбия, кўпмиллатли Ўзбекистон, демократик таълим, маънавият, қадрият, ахборт.

Примова Фотима Абдурахимовна,
доцент кафедрасы философии и национальной идеи
Ташкентского государственного технического
университета, кандидат философских наук

ГУМАННОСТЬ ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В ИСТОРИИ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы особенности национальной образования и воспитании их гуманности в многонациональном Узбекистане и отношении с общечеловеческими принципами в стране. В ней прослеживаются вопросы проводимых широкомасштабных реформ по решению проблем в сфере образования в условиях глобализации.

Ключевые слова: образования, гуманизм, реформа, демографическая ситуация, воспитания, многонациональный Узбекистан, демократия, духовность, общечеловеческая черта, ценность, информация.

Primova Fatima Abdurakhimovna,
Ph.D, Tashkent State Technical University
Philosophy and National Idea
Associate Professor of the department

HUMANITY OF EDUCATION AND ITS ORIGINALITY IN THE HISTORY OF UZBEKISTANS INDEPENDENCE**ABSTRACT**

The article deals with the issues of humanity of education in Uzbekistan and its interrelation with universal values in the country. It recommends solutions to problems in the field of education and the upbringing of the younger generation in the context of globalization.

Index Terms: education, humanism, reform, demographic situation, upbringing, multinational Uzbekistan, democracy, spirituality, common human trait, value, information.

Долзарблиги. Ҳар қандай мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида таълим тарбия тизимининг ўз ўрни бор. Бунда инсонпарвар таълимни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Дунёнинг демократик давлатлари қатори Ўзбекистонда ҳам ёшлар таълим тарбияси, уларнинг ижтимоий-сиёсий билим даражаси, жисмоний камолоти, айниқса маънавий тарбияси масалаларига алоҳида аҳамият қаратилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам таълим соҳасини демократлаштириш, унинг инсонпарвар характерини янада ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалалари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий-назарий ва методологик жиҳатдан асослаб берилганлиги, унинг замонавий асосларда ислоҳ қилинаётганлигини аниқлашмоқда [1]. Жумладан, унда жисмонан соғлом, руҳан ва ақдан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим масаладир, -дея таъкидланган. Шу боисдан мазкур мавзу барча соҳалар қатори республикамизда таълим тарбия соҳасини ислоҳ қилишда ўрганилиши зарур бўлган масалалардан биридир, десак муболаға бўлмайди.

2. Методлар:

Мақола барча ижтимоий-гуманитар фанларда қабул қилинган қиёсий таҳлил, объективлик, тарихий кетма-кетлик, изчиллик, қиёсий таққослаш тамойиллари асосида ёритилди. Мақолани ёритишда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ги қонунида илгари сурилган тамойилларга таянилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Маълумки, инсонпарварлик (гуманизм) тамойилларга мос равишда бу борада Ўзбекистоннинг ўз йўли миллий таълим-тарбия тизимининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясига асосланган механизми қуйидаги асосий шарт-шароитларни ҳисобга олган. Улар қуйидаги омиллар билан ҳаракетланади:

Биринчи омил, таълим тарбияда инсонпарварлик тамойиллари авваломбор, миллий таълим-тарбия тизимида халқнинг тарихий турмуш тарзи ва тафаккур даражаси, анъаналари ва урф-одатларида акс этади. Жамиятимизда азалдан анъанавий таълим тарбия миллий турмуш тарзимиз билан боғлиқ ҳолда шакланган. Хусусан, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат икром кўрсатиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, инсонпарварлик, хайрихоҳлик, ўзгалар дардига ҳамдард бўлиш ва ёрдам туғуси азалдан Марказий Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар этнопсихологиясининг ажралмас қисми бўлиб келган. Азалдан оилада ва маҳаллада ёш авлодга одоб-ахлоқ, виждон, иймон эътиқод, софлик, ҳалоллик фазилатлари сингдириб келинган.

Иккинчи омилга кўра, ҳозирги глобаллашув шароитида республикада демографик вазиятнинг ўзига хослиги муҳим ўрин тутди. Яъни аҳолининг муттасил ўсиши, уларнинг ёш ва жинс хусусиятларидаги ўзига хослик ҳамда меҳнат ресурсларининг юқорилиги маълум миллий ва умуминсоний тарбия мезонларига таянишни тақоза этади. Сўнгги йилларда мамлакатда аҳоли юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Демографик омилнинг муҳим таркибий қисми сифатида аҳолининг табиий ўсиш даражасига кўра, 1980 йилда Ўзбекистонда аҳоли 15 млн 757 минг кишини ташкил этган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 20 млн 322 минг кишини, 2001 йилда эса 25 млн 210,8 тани ташкил этган [2]. 2008 йилда Ўзбекистонда доимий яшовчи аҳоли 27,3 млн кишини ташкил қилган бўлиб, 2018 йилга келиб 33 млн ташкил қилган. 2025 йилда мамлакат аҳолиси 37 млн кишидан ошиши тахмин қилинмоқда.

Аҳоли таркибида ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг аҳоли умумий салмоғидаги улуши салкам 70% ни ташкил этади, яъни республика аҳолисининг 2/3 қисми ёшлардир. "Бу хусусда ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди. Мамлакат аҳолисининг 32 фоизини, ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади, - дея қайд этади Президент Шавкат Мирзиёев.

Бу борада айниқса 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида" ги қонуннинг ҳамда 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ги ПФ 5106" Президент фармонларининг аҳамияти

катта бўлди [3].

Учинчидан, таълимнинг инсонпарварлик хусусиятига кўра мамлакатда умуминсоний қадриятларга содиқлик ва толерантлик тамойиллари муҳим ўрин тутди. Дунё халқлари тилида "толерантлик" сўзи кенг қўлланилади. Аслида толерантлик (лот. *tolerantia*-чидамлилиқ)-ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан чидамлилиқ ва бағрикенглик кўрсатишдир. Толерантлик, бу-ҳар хил эътиқодларга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Толерантликнинг яна муҳим моҳияти шундан иборатки, бу хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб яшаш, жамият ва давлат равнақи йўлида биргаликда яшашларини англатади. Бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутди. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустақкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир. Қадимдан Ўзбекистонда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари мавжуд бўлган. Шаҳар ва қишлоқларда масжидлар, черковлар, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб халқлар, ўз диний амалларини эмин-эркин адо этганлар. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги дин вакиллари орасида диний можаролар бўлган эмас. Бу ўзбек халқининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга эканларидан далолатдир.

Демак, ёшлар таълим-тарбиясида республикадаги ўзига хос этник ва диний вазият ҳам ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Ўзбекистон кўпмиллатли, яъни полиэтник давлат. Бу ерда ўзбеклардан ташқари 130 дан ортиқ миллатга мансуб турли халқлар истиқомат қилади. Бугунги кунда республикамизда улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи 137 та миллий маданий марказлар фаолият юритмоқда[4]. Ушбу халқларнинг кўпчилиги узоқ тарихий жараёнларда келиб қолган ва иккинчи жаҳон урушигача Ўзбекистонга депортация қилинган ҳамда уруш йилларида кўчириб келтирилган халқлардир. Бунинг яққол исботи сифатида урушгача ва урушнинг оғир давларида Ўзбекистон ҳақиқий толерантликни намоеън этди. Фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган аҳолига ҳақиқий инсонпарварлик, толерантлик кўрсатилганлигига тарих гувоҳ. Масалан, уруш йилларида Ўзбекистонга 1 млндан ортиқ киши кўчириб келтирилган бўлса, шулардан 240 000 дан кўпроғи болалар эди. Демак, толерантлик бошқа миллат вакиллари учун ҳам барча шарт шароитларни яратилганлигини англатади.

Халқ бошидан кечирган оғир қатағон йиллари ва иккинчи жаҳон уруши йиллари кўп ситамларга юзма-юз бўлган корейслар, немислар, турклар, поляклар, руслар, греклар, яҳудийлар, қрим-татар ва бошқа миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватанга айланди. Чунки улар шу ерда туғилиб, камолга етди, ҳаётда ўз ўрнини топди.

Ҳозирги кунда республикамиздаги барча таълим муассасаларида турли миллатларга мансуб фуқаролар ўз она тилларида таҳсил оладилар. Дунёнинг камдан кам мамлакатларида кузатиладиган ҳолат шуки, Ўзбекистонда таълим 7 та тилда олиб борилади, 8 та тилда газета ва журналлар чоп этилади, 12 тилда кўрсатувлар ва 11 тилда радиоэшиттиришлар эфирга узатилади[5], 16 диний конфессия фаолият юритади. Шу боисдан улар ҳам мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатори бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Улар учун Ўзбекистон қонунларида белгилаб

қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари тўлиқ таъминланган. Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик масаларидан иборат. Зеро, бу жиҳат ҳам инсонпарварликнинг муҳим белгисидир.

Республика миллий таркибининг ўзига хослиги унинг фарқланувчи хусусиятидир. Мамлакатимиз аҳолиси этник таркибида туб аҳоли устун мавқеини эгаллайди. Республикада яшаб турган аҳолининг салкам 80 % ни ўзбеклар ташкил этади. Кўпмиллатли мамлакат сиёсатининг асосий мақсади миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашдир. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда миллий сиёсатнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилдики, айти шу сиёсат барқарор ва тўкин-сочин ҳаёт пойдевори бўлди.

Демак, Ўзбекистондек кўпмиллатли мамлакатда таълим тарбияни инсонпарварлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Нафақат ўзи ҳақида, балки бошқа халқлар ҳақида ғамхўрлик қилиш ўзбек халқи миллий менталитетига, умуминсоний қадриятларга ва инсонпарварлик тамойилларига хос хусусиятидир.

Тўртинчидан, таълим ва тарбияда инсонпарварликнинг муҳим кўриниши бу, мамлакатда маълум умуминсоний қадриятларга амал қилиниши, яъни миллий анъаналар ва қадриятлар билан бирга, умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муштарақлигидир. Яъни халқнинг муайян ҳуқуқий ва ижтимоий онгида миллий ва умуминсоний қонун қоидалар ҳамда анъаналарга содиқликнинг устуворлиги муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг миллати, тили ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар бепул таълим олиши, қонун олдида тенглиги, маълум миллий ва умуминсоний тамойилларга амал қилиниши, барчанинг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқига эга эканлиги, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар учун таълим олиш учун барча шарт шароитларининг яратилганлиги кабилардир.

Инсонпарварлик шу билан бирга мамлакатда мактабдан ташқари таълимнинг инсонпарвар характерда эканлиги, кафолатланган меҳнат шарт шароитларининг мавжудлиги каби қоидаларида акс этади. Мамлакат "Таълим тўғрисидаги қонуни ва кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури" да таълим-тарбия истиқболларини белгилашда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидаги инсонпарварлик тамойилларида ўз ифодасини топган:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда экани;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг барча учун очиқлиги ва тенглиги;
- ёшларнинг ўз билим ва истеъдодини юзага чиқариш учун шароитларнинг яратилганлиги;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғун тарзда олиб борилиши ва, ҳ.к.

Бугунги кунда таълимнинг барча бўғинларида унинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг қамровли маълумот бериш билан бирга, фуқароларда бағрикенглик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш ўзига хос аҳамиятга эга. Унинг амалий аҳамияти фуқаролар онгида халқларнинг тарихий мероси, маънавий ва моддий қадриятларига ҳурмат ҳиссини шакллантиришда ҳам ўз аксини топади.

Яна муҳим бир жиҳат, бу Ўзбекистонда дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан учрамайдиган "Маҳалла", деб номланган ўзини ўзи бошқариш уюшмаси мавжуд.

Уни маҳалла раиси, яъни (оқсоқол) бошқаради. Маҳаллаларнинг сони Ўзбекистонда 2019 йил 1 декабр ҳолатига кўра 10 мингдан ортиқни ташкил қилмоқда. Бугунги кунда ёшлар тарбиясини мувофиқлаштириш учун бу ерда "Ёшлар билан ишлаш комиссиялари" ва "Яраштириш комиссиялари" иш олиб бормоқда. Улар жамоатчилик асосида иш олиб борадилар. Албатта ушбу уюшмаларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни катта. Ёшлар тарбияси тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган бугунги кунда Ўзбекистонда маҳалла асосий тарбия ўчоғи бўлиб қолмоқда. Чунки ўша маҳалладаги ёшларнинг турмуш тарзи, фаолиятини маҳалла раиси ва кўни кўшнилари ҳеч ким яхши билмайди.

Бугунги "Янгилаётган Ўзбекистон"да 2020 йилга келиб маҳалла тараққиётнинг янги босқичига кирди. Ўтган 2017-2020 йиллар оралиғида аҳоли муаммоларини аниқлаш, "Маҳалла-сектор-Халқ қабулхонаси-маҳалла" тамойили асосида маҳаллани халқ билан давлат ўртасидаги асосий ишончли кўприк бўлишини амалда таъминлаш, оила ва маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чоратadbирлари тўғрисида" ги фармони эълон қилинди. Ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" ги қарори қабул қилинди. Бу ҳам ўз навбатида маҳаллаларда таълим тарбия жараёнларини янги босқичга олиб чиқишига шубҳа йўқ.

Аммо маҳаллаларда ёшлар тарбияси билан ишлаш масаласида камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш келин-куёвлар ўртасидаги салбий муносабатлар ва ажиримларни олдини олиш, оила ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлаш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги "Яраштириш комиссиялари" нинг ўзига хос ўрни бўлиши лозим.

Айниқса бугунги шиддатли ўзгаришлар ёшлар, жумладан уюшмаган ёшлар маънавий дунёқарашини салбий томонга ўзгаришига, уларни зарарли юмушлар билан шуғилланишга (интернет, "оммавий маданият" (поп культура) таҳдидлари, турли ижтимоий сайтлар, айрим ижтимоий роликлар ва б.) мажбур этмоқда. Бунда интернет тармоқлари, интернет кафеларда тарқалаётган турли салбий кўринишдаги сайтларнинг таъсири катта бўлмоқда. Статистик маълумотларга кўра интернет тармоқларида ўзини ўзи ўлдиришни тарғиб қилувчи 10 минг, эротик руҳдаги 5 минга яқин сайтлар мавжудки, улар фарзандлар онгини зарарламоқда. Мавжуд сайтларнинг 12 % да порнографик мазмундаги ғоялар тарқалмоқда. Улардаги оддий болаларбоп ўйинларнинг 50 % зўравонлик, 40 % дан кўпроғи жангариликни тарғиб қилмоқда[7].

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, миллатга, оилага дарз кетса бутун жамиятга салбий таъсир кўрсатади. Бизнинг жамиятимизда эса бу ҳолат оила билан биргаликда маҳалла фаолиятига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади. Чунки, ҳар бир оиладаги вазият авволмбор маҳаллага, кўни-кўшнилари аён бўлиши зарур.

Статистик маълумотларга кўра ҳар йили республикада 400 мингдан ортиқ фарзанд дунёга келмоқда. Хусусан, 2012 йилда республикада 654334 нафар фарзанд дунёга келган бўлиб, шундан 336708 нафари ўғил бола, 317673 нафари қиз болалардир. Йилига ўрта ҳисобда 170 минг ёш оила ҳисобга олинмоқда[8]. Бу эса

ўз ўзидан аёнки мамлакатда аҳоли сонининг муттасил ўсиши давлат олдида улкан масъулият юклаши табиий, жумладан ёшлар билан ишлаш масаласида ҳам.

Бу борада, умуминсоний қадриятларга мос таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари, дарсликларни ишлаб чиқиш, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этиш учун етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этиш муҳим вазифалар сифатида белгиланди. Бу шубҳасиз, кўпмиллатли мамлакатда таълимнинг инсонпарварлигини таъминлаш, унинг халқаро обрўсини янада ошириш тизимини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Таълимни инсонпарвар аҳамият касб этишида замонавий ахборот технологияларига асосан, кўргазмалар асосда дарслар ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Демак ҳар бир фан ўқитувчиси таълимнинг барча бўғинларида, дарс ўтиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларидан самарали фойдаланган ҳолда ёшларни таълим олишга қизиқтиришимиз, уларда нафақат миллий анъналаримизга, балки умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳини қарор топтиришимиз лозим.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илм-фан ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали меҳназимларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда.

4. Хулосалар:

Бир сўз билан айтганда, таълим ва тарбияда инсонпарварлик ҳамда унинг ўзига хослиги Ўзбекистонда фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, миллатидан қатъий назар барчага бирдек таълим имкониятларини яратиш, жумладан уларнинг ўз билимларини ҳаётда изчиллик ва қатъият билан амалга оширишларида ҳамда мустаҳкам фуқаролик позициясида тура олишларида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги фан техника соҳаларидаги шиддатли ўзгаришлар, глобаллашув шароитида ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳалар, фан ва маданиятни риволантиришда ва уни амалиётда қўллаш билишда беқиёс аҳамиятга эгадир. Чунки, кўпмиллатли мамлакатимизда таълимни инсонпарварлиги таъминлансагина, ҳар қандай соҳанинг ривожининг тўла-тўқислигига эришиш мумкинлигига гувоҳ бўлдик.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947 - сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-№6 - Тошкент "Адолат"., 2017 . Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 N UP-4947 "On the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan". //Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan.-№6 - Tashkent "Adolat", 2017.

2. Ата-Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект. Т., 2011. С 201. Uzbekistan multinational history-

demographic aspect. Т., 2011. С. 201.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ги қонуни. Қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2017. Law of the Republic of Uzbekistan "On Enhancement of Effectiveness of State Youth Policy and Support of Youth Union of Uzbekistan". Collection of legislative acts. Т., 2017.

4. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик-халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилidir. Президент Шавкат Мирзиёев Республика байналминал маданият маркази ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. "Халқ сўзи". 2017. 26 январ. Interethnic friendship and harmony is an important factor in the peace and wellbeing of our people. President Shavkat Mirziyayev's speech at the 25th Anniversary of the Republican International Cultural Center. "People's Word". 2017. January 26th.

5. Ўша жойда. There.

6. Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга ҳамма бирдек жавобгар. "Маҳалла" газетаси. № 13 сон. 2019 йил, 7-14 март. Everyone is responsible for ensuring the stability of the family. The newspaper "Mahalla". Issue No. 13 March 7-14, 2019

7. Мансуров З. Одамийлик дорулфунуни // Инсон ва қонун., 2012 йил 24 январ. Human Dropping . Human and Law, January 24, 2012

8. Бўриев О, Усмонов М. Ўзбек оиласи. -Т., 2012. 71-бет. The Uzbek family. -Т., 2012. Page 71.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000